

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРДА АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ ҒОЯ ТАҒИБОТИНИНГ ЎРНИ

Рахбаров Улуғбек Рахбарович

Тошкент давлат педагогика университети Тарих факультети “Маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” кафедраси ф.ф.б.ф.д., PhD. в.б, доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10810892>

Аннотация. Мазкур мақолада ўқувчи-ёшларда ахлоқий маданиятни ривожлантиришда миллий ғоя тағиботининг ўрни, ёшларнинг ахлоқий фазилатларининг уйғунлиги, ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантириш, тарғибот ва таъвиқот ишлари жараёнида миллий ғоя тарғиботи, миллий ғоя, миллат ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги масаласининг долзарблиги сифатида талаба-ёшларни профессионал касб эгаси бўлиб вояга етказишда, шунингдек, халқнинг маданияти юксалган, истиқболи порлоқ бўлиши, ватанга садоқат, миллий ифтихор, миллий гурурни қарор топтириши каби юксак инсоний фазилатларни ривожлантиришининг илмий назарий асослари зарурят эканлигининг педагогик таъсир воситалари орқали ёритилган.

Калим сўзлар: ахлоқ, маданият, қадрият, миллат, миллий ўзликни англаш, таълабчанлик, ижтимоий – профессионаллик, ахлоқий фазилатлар, миллий гурур, миллий ифтихор, маънавият.

Ўзбекистон Республикаси амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг негизида ёш-авлодни ахлоқий жиҳатдан маънавиятли, ғоявий етук қилиб тарбиялаш долзарб вазифа сифатида қаралмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги Янги таҳрирда қабул қилинган “Таълим тўғрисидаги” Қонуннинг 7-моддасида кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимининг натижавийлиги олий таълим муассасалари фаолияти самарадорлигини замонавий талаблар асосида ошириб бориш вазифасини кўяди. Мазкур вазифани амалга оширишда олий таълим талабаларининг ҳар бирдан юксак касбий салоҳият ва инсоний сифатларга эга бўлиш талаб этилади деб белгилаб қўйилган ҳам мамлакатимиз эртаси бўлган талаба-ёшларни ахборот-технологияларидан унмли фойдаланган ҳолда касбий салоҳиятли ва компетенцияларини ривожлантириш орқали етук кадрлар сифатида тарбиялаш масласи даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ахлоқий маданиятнинг барча замонлар учун долзарб бўлган йўли, бу инсонийлик тамойилидир. Шунингдек, ахлоқий маданият инсоний муносабатлардаги барча ғоявий тамойилларнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Ёшларнинг ахлоқий фазилатларининг уйғунлиги, қалб нозиклиги ва ўз-ўзини назорат қила олишга қодирлиги, жамият, Ватан олдидаги масъулият ва бурч ҳиссидан иборатдир. Бу фазилатларнинг барчаси меҳнатда, одамлар билан мулоқотда оқилона эҳтиёжлар ва ахлоқ маданиятида намоён бўлади. Ёшлар ахлоқий маданиятини шакллантиришда яна қуйидаги вазифаларни бажариш муҳим аҳамият касб этади: бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ унга меъёрда ўсиши ва ривожланиши ҳамда унинг хулқини тарбиялашга ёрдам берувчи ранг-баранг ижобий одатларни сингдиришни кенг тарғиб қилиш; ёшларни жамиятда умумий қабул қилинган нормаларга риоя қилган ҳолда уйда, кўчада, жамоат жойларида тарбиялаш; атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга, уларнинг касб-ҳунар, фаолиятига доир ишлари, қизиқишлари билан ҳисоблашишга ўргатиш; хушмуомалалилик, жонкуярлик, вазминлик, одоблилик, камтарлик, сезгирлик, кўпчиликнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш

кўникмаларида ўз аксини топадиган жамоа малакалари ва катталар ҳамда тенгдошлар билан бўладиган муомала маданиятини тарбиялаш ва бошқалар шулар жумласидандир. Буларнинг барчаси ёшларнинг ахлоқий маданиятини юксалтиришнинг ғоявий-тарбия омиллари ҳисобланади, дейиш мумкин.

Ўзбекистонда ёшларнинг ахлоқий маданияти юксалтиришда миллий ғоя тарғибот технологиялардан самарали фойдаланиш лозим. Бугунги ёшлар китоб ўқиш ва ундаги ғояларга эргашиш, ибрат олишдан кўра, ОАВ томонидан тарғиб қилинган ахлоқий меъёрларга кўпроқ амал қиладилар. Шунинг учун ҳам шаклланган анъана ва қадриятларга тоқатсизлик каби иллатларни олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларини куруқ реклама тарзида эмас, балки мукамал кўринишдаги таъсирчан воситалардан фойдаланиш орқали олиб бориш лозим. Маънавийтли халқнинг маданияти юксалган, истиқболи порлоқ бўлишига шак-шубҳа йўқ, албатта. Бу жиҳатдан ўзбек халқи ўзининг бой мероси, миллий қадриятлари билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Шу боис ҳам Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов, ўтмишни англаш – ўзликни тиклаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўринга эга бўлиш учун асос, деган фикрлари маданиятни ўзлаштириш, унинг ғоявий мафкурасини чуқур билишни тақозо этади.

Дунёда ҳеч бир миллат ёки халқ йўқдирки, унинг бирлаштирувчи, умумлаштирувчи ғояси ва мафкураси бўлмаса. Биз бунинг исботини узоқ ўтмишдан бошлаб ҳозирги кунгача кўришимиз мумкин. Ҳар бир миллат, халқнинг ўзига мувофиқ келадиган, миллатнинг манфаатларини ўзида акс эттирадиган ва умумлаштирадиган бирон бир ғояси ёки мафкураси бўлиши муқаррар, чунки одамлар ўз ҳаёти давомида нимагадир ишониши, суяниши керак. Жамият тараққиётини, мустақиллик билан боғлиқ бўлган улкан вазифаларни бажаришга оммани сафарбар этишни мафкурасиз тасаввур этиш мумкин эмас. Инсоннинг, ҳар бир ёшнинг фаолияти унинг илғор мафкурага қатъий амал ва эътиқод қилишига боғлиқ. Жамият манфаати ва миллий истиқлол йўлида ўзидаги барча билим, қобилият ва истеъдодини бахшида этишга тайёр турган етук инсонлар, ёшлар, фидойилар бўлмаса, Ўзбекистонни дунёдаги энг қудратли, илғор давлатга айлантириш мумкин эмас. Мустақил Ўзбекистоннинг энг яқин ҳамда узоқ келажаги билан бевосита боғлиқ бўлган ана шу вазифаларни мафкуравий ишларни жонлантirmасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Мафкура, миллий ғоя одамларда, ҳар бир ёшда миллий маданиятнинг, миллий онгнинг, миллий ғурурнинг ўсиши ва ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, у халқимиз ва миллатимизнинг куч-қудрати ҳамда имкониятларига, ғоявий-сиёсий жиҳатдан бир бутун ва яхлитлигига салбий таъсир этиши мумкин бўлган маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик муносабатларига қарши муросасиз кураш олиб боришга кенг жамоатчиликни даъват этади. Мафкура миллий ҳамкорлик, миллий ҳамжиҳатликнинг кучайишига кўмак беради. У етук миллий онг, миллий ғурур, миллий қадриятлар, миллий бирдамлик ва ҳамжиҳатлик туйғуси заминда шаклланадиган ватанпарварликни ҳам ўз ичига олади. Сўнгги йилларда ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Бу борада уларда шаклланаётган ижтимоий ва мафкуравий тушунча ва ғояларнинг аҳамияти каттадир. Ёшлар тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга.

Миллий ғоя мамлакатимиз ижтимоий турмушининг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий ва бошқа соҳаларида рўй бераётган жараёнларни ифодалайди. Сиёсий соҳада

Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибаси ва умуминсоний кадриятларга асосланган ҳолда инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш; давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини эркинлаштириш; фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириб инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, том маънода амалда қонун устуворлигини таъминлашга эришиш; демократиянинг зарурий шартини бўлган кўппартиявийлик муҳитини қарор топтириш. Иқтисодий соҳада эркин бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодиётни қарор топтириш, уни замонавий технология асосида ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш; хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ва шу асосда амалда мулкдорлар синфини шакллантириш; кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш ва уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит яратиш.

Миллий ғоянинг асосий мақсадларидан бири халқимизни, ёшларимизни меҳнатсеварликка даъват этиш. Фақат меҳнат туфайли, жамиятимиз тараққиётини таъминлайдиган иқтисод соҳасини ривожлантириш, моддий неъматлар яратиш туфайлигина биз ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилишимиз мумкин бўлади. Негаки, ҳар қандай ғоя амалиётга асосланмаса ва меҳнат билан боғланмаса, ўз сиёсий қучини йўқотади ва аксинча, меҳнат билан уйғунлашиб кетадиган ғоя халқнинг эътиқодига айланиб кетади. Маданий-маънавий соҳада умуминсоний кадриятлар устуворлигини тан олган ҳолда миллий кадриятларимиз, тарихимиз, тилимиз, ахлоқ-одобимиз, динимизни тиклаш, уларни янги босқичга кўтариш; Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тили, маданияти, урф-одати ва анъаналарини ривожлантириш, уларга яратиб берилган имконият ва шарт-шароитларни янада кенгайтириш; юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати учун қайғурадиган, янгича фикрлайдиган, имон-эътиқоди бутун, иродаси бақувват эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш; фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат, тиббий хизмат, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмонан ва маънан соғлом бўлган авлодни тарбиялаш соҳаларида ижобий натижаларга эришиш; ижоднинг барча турларини ривожлантириш, одамларнинг истеъдод ва қобилиятларини намоён этиши учун шарт-шароитларни яратиш, маънавий мулкни ҳимоя қилиш.

REFERENCES

1. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. 2020 йил 23 сентябрь / <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т. 2008. 36 б.
3. Эркаев А. Маънавият-миллат нишони : монография / А.Эркаев. - 2-тўлдирилган нашри. - Тошкент : Маънавият, 1999. - 42 б.
4. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар. Т. 2009. 47 б.
5. Мусаев О. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. Т. “Ilm-ziyo-zakovat” 2021. -78 б.
6. Tursunboyevich A. O. Development of socially active citizenship competence in students and youth in continuous education. – 2022.
7. Tursunboyevich O. A. Pedagogical and psychological opportunities for the development of social active civil competences in students //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – Т. 11. – №. 3. – S. 1888-1897.
8. Abduganiyev O. Formation of legal training aimed at competitiveness in pupils of secondary schools //European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. – 2019. – Т. 9. – №. 7.

9. Tursunboyevich O. A. Pedagogical and psychological opportunities for the development of social active civil competences in students //ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal. – 2021. – T. 11. – №. 3. – S. 1888-1897.
10. Abduganiyev O. T. FACTORS AFFECTING THE DEVELOPMENT OF SOCIALLY ACTIVE CITIZENSHIP COMPETENCE IN STUDENTS //E Conference Zone. – 2022. – S. 10-13.
11. Oglu A. O. T. Pedagogical Conditions And Mechanisms Of Development Of Social Active Civil Competence In Students //Turkish Journal of Computer and Mathematics Education. – 2021. – T. 12. – №. 7. – S. 433-442.
12. AbdugʻAniyev O. MADANIYATSHUNOSLIK YONDASHUVI ASOSIDA TALABALARDA UMUMINSONIY QADRIYATLARGA OID KOMPETENTLILIKNI RIVOJLANTIRISH //Science and innovation. – 2023. – T. 2. – №. Special Issue 9. – S. 316-319.
13. Абдуғаниев, Озод. "ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МОДЕЛЛАШТИРИШ ОРҚАЛИ ТАЛАБАЛАРДА ИЖТИМОЙ ФАОЛ ФУҚАРОЛИК КОМПЕТЕНЦИЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ." *Innovations in Technology and Science Education* 1.5 (2022): 161-168.
14. OʻG, AbdugʻAniev Ozod Tursunboy. "TALABALARDA IJTIMOY FAOL FUQAROLIK KOMPETENSIYALARINI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK IMKONIYATLARI." *Science and innovation* 2.Special Issue 5 (2023): 708-713.
15. Tursunboyevich, Abduganiyev Ozod. "Development of socially active citizenship competence in students and youth in continuous education." (2022).
16. OʻG, AbdugʻAniyev Ozod Tursunboy. "TALABALAR IJTIMOY TASHABBUSKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA TAʼLIM MUASSASASINING IJTIMOY-MADANIY MUHITI RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK." *Science and innovation* 2.Special Issue 4 (2023): 150-154.
17. Jumaniyozov, X. S., Nigmanova, U. B., Rasulova, A. M., & Abdugʻaniyev, O. T. (2022). The essence of the phenomena of extremism and terrorism in the context of globalization and its threat to the stability of the international community. *Ann. For. Res*, 65(1), 9173-9179.